



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (13.662)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ТАШҚИ СИЁСИЙ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА УНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлнинг самарали давом эттирилиши мамлакатда кенг кўламли ислохотларни ва демократик ўзгаришларни муваффақиятли рўйбга чиқаришда, халқаро майдонда мамлакат нуфузини мустақамлашда ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади.

Очiq ташқи сиёсатнинг фаоллашуви натижасида хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлашда салмоқли натижаларга эришилди, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар сезиларли даражада кенгайди, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ва хориждаги ватандошларимиз билан мулоқот ўрнатилди, долларб халқаро ва минтақавий муаммолар ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга, Ташқи ишлар вазирлиги тизимидagi ишларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, биринчи навбатда, давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида қўйилган вазифалар

ни самарали бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

**биринчидан**, амалдаги норматив-ҳуқуқий база дипломатик хизматнинг барча масалаларини тўлиқ тартибга солмайди, тўпланган ҳуқуқий ва амалий тажрибани тўлиқ акс эттирмайди, шунингдек, замон талабларига мос келмайди;

**иккинчидан**, ташқи сиёсий идоранинг ташкилий-штар тузилмаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳалардаги стратегик вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд ресурсларни самарали сафарбар қилишга йўналтирилмаган;

**учинчидан**, давлат органларининг Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигининг, шунингдек, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида самарали ва мувофиқлаштирилган ишларни олиб боришнинг аниқ белгиланган механизмлари мавжуд эмас;

**тўртинчидан**, ташқи сиёсий идоранинг ишларини ахборот-тахлилий жиҳатдан таъминлаш

ва режалоштириш қисман амалга оширилмоқда, ташқи сиёсатнинг устуворлиги бўйича ишлаб чиқилаётган таклифлар мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш масалаларини лозим даражада ҳисобга олмайпти;

**бешинчидан**, мамлакатдаги кенг кўламли ўзгаришлар ва республиканинг халқаро ташаббуслари ҳақида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш ишлари сушт ташкил этилган бўлиб, мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш ва халқаро майдондаги нуфузини мустақамлаш вазифалари самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

**олтинчидан**, консуллик муассасалари фаолиятида кўрсатилаётган давлат хизматларининг тезкорлик ва сифат даражаси, Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш даражаси қониқарсиз аҳволда қолмоқда;

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатидаги ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий лавозим маошлари миқдорларини табақалаштирилган ҳолда: олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг – ўртача 25 фоизга ва стажёр-ўқитувчи ҳамда фан доктори илмий даражасига эга профессор иш ҳақининг миқдорлари ўртасидаги тафовутни икки бараваргача ошириш;

илмий-тадқиқот муассасаларининг фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини амалга ошириш ва инновация ишларида иштирок этаётган илмий ходимларининг – ўртача 25 фоизга ва стажёр-тадқиқотчи ҳамда фан доктори илмий даражасига ва профессор илмий унвонига эга бош илмий ходим иш ҳақининг миқдорлари ўртасидаги тафовутни икки бараваргача ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

базавий докторантурада таълим олаётган шахсларга – илмий унвон ёки илмий даражасига эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият таърибасига эга бўлган) кичик илмий ходимнинг лавозим маоши базавий миқ-

дорларига тенглаштирилган стипендиялар;

докторантурада таълим олаётган шахсларга – фан номзоди (ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига ва хорижий давлатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) илмий даражасига ёки илмий унвонга эга бўлган етакчи илмий ходимнинг лавозим маоши базавий миқдорларига тенглаштирилган стипендиялар тўланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 июлгача:

олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилари, шунингдек, бошқа ходимлари меҳнатидаги ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошларини;

илмий-тадқиқот муассасаларининг фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурлари лойиҳаларини амалга ошириш ва инновация ишларида иштирок этаётган илмий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини амалга ошириш ва инновация ишларида иштирок этаётган илмий ходимларининг – ўртача 25 фоизга ва стажёр-тадқиқотчи ҳамда фан доктори илмий даражасига ва профессор илмий унвонига эга бош илмий ходим иш ҳақининг миқдорлари ўртасидаги тафовутни икки бараваргача ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга қандайдир қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазирини Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 5 апрель

### ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎТТИЗ ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Тошкент шаҳрида 2018 йил 5 апрель кунин Қирғизистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг ўттиз иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Покистон Ислон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.**

Мажлисида ШХТга аъзо давлатларнинг 2019-2021 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ҳамда ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШХТ МАТТнинг 2017 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи лойиҳалари маъқулланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ҳамда ШХТ МАТТ қарорларининг 2017 йилдаги ижроси, шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШХТга аъзо давлатлар ҳудудидagi озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида интернет тармоғидан фойдаланишни аниқлаш ҳамда унга чек қўйиш бўйича ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг "Сямин - 2017" қўшма аксилтеррор ўқув машғулотини яқунлари маъқулланди. 2018 йилда ШХТга аъзо давлатларнинг қўшма чегара операциясини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатларга халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган таҳдидлар муҳокама қилинди. ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш юзасидан келишувларга эришилди.

(Давоми 3-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг бугунги тараққиётида 80 йилдан зиёд тарихга эга бўлган, мамлакатимиздаги нуфузли ижодий ташкилотлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум давридаги турли мафкуравий таъйинларга қарама-қарши ушбу ижодий уюшма миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимиз, азалий қадриятларимизни сақлаб қолиш ва авлодларга безавол етказиш, халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, сўз санъаткорларини бириктириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш истеъод эгаларининг салоҳиятини рўйбга чиқариш борасида катта ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси тубдан реконструкция қилинди. Уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизда Адидлар хибони барпо этилди. Ёзувчилар уюшмаси учун янги бино қурилиб, ҳудудларда улуғ адидларимиз номлари билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари бунёд қилинмоқда. Адабиётимиз

атоқли намояндаларининг юбилей саналари муносиб нишонланмоқда, истеъодли ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли ижодий анжуманлар ўтказилмоқда. Ёш шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари давлат ҳисобидан кўп миң нусхаларда нашр этилиб, таълим масканлари ва кутубхоналарга етказиб берилмоқда.

Айни вақтда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг асосий фаолияти йўналишлари, унинг Низоми ва таркибий тузилмаси бугунги шиддатли давр талабларига тўла жавоб бермаяпти. Бозор иқтисодиёти ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиёти учун беркўб аҳамиятга эга бўлган машаққатли ижодий меҳнатини муносиб кадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, истеъодли ёш ижодкорларни тизимли асосда тарбиялаш ва бошқа ўта муҳим йўналишларда оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

**XXI аср** *саҳоси*  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Урганча Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Богот, Гурлан, Хива, Шовот, Янгиариқ туманлари кенгашларига Президент совғаси – "Matiz" ва "Nexia" хизмат автомашиналари топширилди.

• Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида "Ўқувчилар билим самарадорлигини оширишга янги чалдаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Туман халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги масъуллари, ҳудуддаги 44 та умумтаълим мактаби директори, ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди. Семинарда ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини кучайтириш, таълим даргоҳида ўқитиш

самарадорлигини яхшилаш, ёшларда дарсдан ташқари мустақил муролаа қўниммасини шакллантириш бўйича 15-умумтаълим мактабида ташкил этилган "3" баҳадан холи умумтаълим мактаби" лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди.

• Фаргона вилояти Марғилон шаҳрида иш бошлаган драма театрининг биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур драма театри биноси санъат илхосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос тухфа бўлди. 200 ўринли томоша залида замонавий шароитлар яратилган.

• Қизилтепа тумани "Демас" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Султонмахмуд Бўстоний" фермер хўжалиги даласида ҳудуд фаоллари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида намунали тарзда чигит экиш жараёни ташкил этилди. Ушбу фермер хўжалиги тасарруфидида 65,5 гектар экин майдони мавжуд. Айни пайтда 30 гектарда парваришланаётган галла баравж ривожланмоқда. 35,5 гектар майдонга чигит экилаётир.

**ЖАҲОНДА**

• Хитойнинг "Тэнсун-1" номли битта модуллик космик аппарати ўз вазифаларини ба-

жариб бўлиб, коинотда парчаланиб кетди ва унинг бўлаклари Тинч океани устига тушди. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилнинг сентябрь ойда парвоз қилган ушбу 8 тоннали аппарат коинотда кемаларнинг туташуви ва ажралиб чиқиши юзасидан синовларни ўтказиш мақсадида учурилганди. Эндликда 2022 йилда мамлакатнинг кўп модулли космик кемасининг парвози режалоштирилмоқда.

• Москвадаги ташкилотлардан бири жойлашган кўп қаватли бинода чиққан ёнгин натижасида бир киши ҳалок бўлди, 6 нафар одам жароҳатланди. Жабрланганларнинг барчаси ўт ўчирувчилардир. Жами 80 квадрат метр майдонни олов қамаган жойдан зудлик билан юздан ортиқ одам хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда ёнгин сабаблари аниқланмоқда.

• Руминиянинг шимолий-шарқида ўрмончиларни олиб кетаётган микроавтобуснинг йўлдан чиқиб кетиб, Бистрица дарёсига қулаб тушиши натижасида йн киши ҳалок бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу ҳодиса гилдиракнинг тешилиши натижасида рўй берган. Ҳозирда вазиятга аниқлик киритилмоқда.





